

Куч – адолатда

Аدل ила олам юзин обод қил!

2023 йил
19 май,
жума
№ 24 (954)

Ўзбекистон Республикаси Олий судининг ҳуқуқий газетаси

http://www.kuch-adolatda.sud.uz

1998 йил 29 августдан чиқа бошлаган.

КАМБАҒАЛЛИКНИ ҚИСҚАРТИРИШГА БАҒИШЛАНГАН II ХАЛҚАРО ФОРУМ ИШТИРОКЧИЛАРИГА

Хурматли форум иштирокчилари!

Хонимлар ва жаноблар!
Ўзбекистон заминда иккинчи бор ўтказилаётган камбағалликни қисқартириш бўйича халқаро форумда иштирок этаётган Сиз, азиз меҳмонларни самимий кутлаб, барчангизга ўзимнинг чуқур ҳурмат ва эҳтиромимни изҳор қиламан.

Ҳозирги таҳликали дунёда камбағалликни қисқартириш масаласи олдимиздаги энг муҳим вазифалардан бири эканини барчамиз яхши англаб турибмиз. Бу муаммага илгор тажриба ва янги ёндашувлар асосида биргаликда ечим топиш ҳамда уларни ҳаётга изчил татбиқ этиш бугун ҳар қачонгидан ҳам долзарбдир.

Бирлашган Миллатлар Ташкилоти Бош Ассамблеясида Ўзбекистон томонидан илгари сурилган ташаббус доирасида ўтказилаётган мазкур анжуман камбағалликни қисқартиришга қаратилган янги ғоялар ва амалий чоралар ишлаб чиқиш бўйича фойдали халқаро мулоқот майдонига айланди, деб айтишга барча асослар бор.

Ушбу платформа мамлакатимизда камбағалликни қисқартириш мақсадида бошлаган улкан ислохотларимизни янада бойитиб, катта ижобий ўзгаришларга муносиб ҳисса қўшиб келмоқда. Бунинг

яққол мисоли сифатида ўтган бир йилда мамлакатимизда камбағаллик даражаси 17 фоиздан 14 фоизга пасайиб, 1 миллион фуқаро камбағалликдан чиқарилганини алоҳида таъкидлаш лозим.

Бундай натижаларга эришишимизда аҳолини замонавий касб-ҳунарларга ўқитиш, уларга муносиб иш ўринларини яратиш, тадбиркорликни ҳар томонлама қўллаб-қувватлашга қаратилган тизимли ва узоқни кўзлаган сиёсатимиз ҳал қилувчи омил бўлмоқда.

Маҳаллаларда ижтимоий хизматлар кўламини кенгайтириш орқали мамлакатимиздаги 2 миллион 300 мингдан зиёд муҳтож оилалар, хотин-қизлар, ёлғиз кексалар ва ногиронлиги бўлган шахслар ижтимоий ҳимоя билан тўлиқ қамраб олинди.

Тарихимизда биринчи марта умумхалқ референдуми орқали қабул қилинган янги таҳрирдаги Конституцияда Ўзбекистон ижтимоий давлат, деб эълон қилиниб, инсон қадрини янада улуғлаш ва аҳолини ижтимоий ҳимоя қилиш бўйича давлатнинг конституцион мажбуриятлари алоҳида муҳрлаб кўйилди.

Шу боис, камбағалликни қисқартириш борасида бошлаган кенг кўламли ишларимизни янги босқичга олиб чиқиб, бундан буён ҳам барча йўналишларда “инсон – жамият – давлат” тамойили асосида

ислохотларни қатъий давом эттирамиз.

Энг аввало, янги иш ўринларини яратиш ва аҳоли даромадларини оширишнинг “драйвери” бўлган хусусий сектор ва тадбиркорлик учун энг қулай шароитларни яратиб бериш, уларни изчил қўллаб-қувватлаш доимий эътиборимиз марказида бўлади. Хусусан, ишсиз фуқароларни ўқитиш ва ишга жойлаш ташаббусини билдирган фаол тадбиркорларга “ижтимоий контракт” тизими асосида қўшимча имтиёзлар пакети тақдим этилади.

Иккинчидан, “ижтимоий реестр” тизими доирасида камбағал оилаларни индивидуал ёндашув асосида манзилли қўллаб-қувватлаш дастурларини жадал давом эттирамиз.

Учинчидан, давлатнинг ижтимоий мажбуриятларини тўлиқ амалга ошириш мақсадида ногиронлиги бўлган шахслар, хотин-қизлар, нурунийлар, алоҳида эътиборга муҳтож аҳоли қатламларига маҳалланинг ўзида юздан ортиқ ижтимоий хизматларни кўрсатиш йўлга қўйилади.

Тўртинчидан, маҳаллалар инфратузилмасини яхшилаш мақсадида аҳоли ўзи танлаган лойиҳаларга “очиқ бюджет” тизими орқали ажратилаётган маблағлар ҳажми кескин кўпайтирилади.

Бешинчидан, инсон капиталини ривожлантириш учун ҳар бир шахснинг сифатли таълим ва тиббиёт хизматларидан фойдаланиш ҳуқуқларини рўёбга чиқаришга қаратилган ишларимизни тобора кенгайтирамиз.

Хурматли анжуман иштирокчилари!
Бугунги форумга нуфузли халқаро ташкилотлар ва ҳамкор давлатлардан 100 дан ортиқ таниқли экспертлар ташриф буюргани ушбу масалага қизиқиш ва эътибор нечоғли катта эканини яққол кўрсатиб турибди.

Албатта, Ўзбекистон камбағалликни қисқартириш бўйича ўз олдида кўйган юксак марраларни амалга оширишда жаҳон ҳамжамияти билан олиб бораётган яқин ҳамкорлигини давом эттиришдан манфаатдордир.

Форум доирасида ишлаб чиқилган янги ёндашувлар ва таъсирчан ечимлар келгусида амалий ҳаётга самарали татбиқ этилади, деб ишонманам.

Фурсатдан фойдаланиб, барчангизга мустаҳкам соғлиқ, шарафли ва масъулиятли фаолиятингизда омадлар, анжуман ишига эса катта муваффақиятлар тилайман.

Шавкат МИРЗИЁЕВ,
Ўзбекистон Республикаси
Президенти

Жамиятимиз мақсади

Халқпарвар давлат, адолатли жамият ва фаровон ҳаёт барпо этиш — пировард мақсадимиз

Жорий йилда халқимизнинг эркин фуқаролик жамиятини ривожлантириш, буюк ва қудратли давлат барпо этишдек эзгу орзу-ниятларни рўёбга хизмат қиладиган муҳим сиёсий-ижтимоий янгиланишлар рўй бермоқда. Халқимиз жипслиги, эртанги кунга юксак ишончини ифода этган умумхалқ референдуми ана шундай сиёсий тадбирлардан бири бўлди.



Янги таҳрирдаги Конституциямизни фуқароларнинг 90,21 фоизи ёқлаб овоз берди. Бу ҳам халқимизнинг Янги Ўзбекистонни барпо этиш йўлидаги қатъий интилишлари Конституцияда мужассам эканини яққол кўрсатди.

(Давоми 3-бетда) ▶

● Моҳият

Жарима юкини камайтириш



аҳолига
маъмурий
жарималарни тўлашда қўшимча
қулайликлар яратади

Жарима юкини камайтириш бўйича қўшимча қулайликлар яратиши муносабати билан Ўзбекистон Республикаси Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодекснинг 332¹-моддасига ўзгартириш киритиш ҳақидаги қонун ҳам алоҳида аҳамият касб этади.

(Давоми 3-бетда) ▶

Парламент фаолияти Қонунчиликдаги янгиликлар



Олий Мажлис Қонунчилик палатасининг навбатдаги мажлисида бир қатор муҳим қонун лойиҳалари муҳокама этилиб, депутатлар томонидан қабул қилинди.

АДВОКАТЛИК ЛИЦЕНЗИЯСИНИ ОЛИШ ЕНГИЛЛАШТИРИЛМОҚДА

Мамлакатимизда суд-ҳуқуқ ислохотлари доирасида инсон ҳуқуқлари, эркинликлари ва қонуний манфаатларини ҳимоя қилишни таъминлашнинг самарали институтларидан бири бўлган адвокатуранинг роли ва аҳамиятини кучайтириш бўйича салмоқли ишлар амалга оширилмоқда. Хусусан, адвокатура институтини таъминлаш, суд ишини юритишнинг барча босқичларида тарафларнинг тортишуви принципи асосида ишни ташкил этишга қаратил-

ган чора-тадбирлар амалга оширилиб, адвокатларнинг профессионал фаолиятини бажариши учун зарур қонунчилик базаси такомиллаштирилди.

Аммо шунга қарамай, адвокатура соҳасига ёш мутахассис кадрларни жалб этиш, соҳанинг жозибдорлигини юксалтириш орқали мамлакатимизда аҳолига малакали юридик ёрдам кўрсатувчи адвокатлар салмоғини ошириш билан боғлиқ муаммолар ҳа- нуз сақланиб қолмоқда.

(Давоми 2-бетда) ▶

Хушxabар Ўзбекистонлик судьялар Халқаро аёл судьялар ассоциацияси аъзолигига қабул қилинди

Ўзбекистонлик уч нафар аёл судья – Нодира Бобохонова, Малика Қаландарова, Нодира Ҳақимова Халқаро аёл судьялар ассоциацияси аъзолигига қабул қилинди.

Судьялар олий кенгаши матбуот хизматида хабар қилишларича, улар Африка қитъасида жойлашган Мароккаш қироллигининг Мароккаш шаҳрида Халқаро аёл судьялар ассоциациясининг “Аёл судьялар фаолияти: ютуқлар ва истиқбол” мавзусида ўтказилаётган XVI конференцияда иштирок этмоқда.

Маълумки, Халқаро аёл судьялар ассоциацияси 1991 йилда ташкил этилган бўлиб, инсон ҳуқуқлари, биринчи навбатда, хотин-қизлар манфаатларини ҳимоя қилишга қаратилган ташаббусларни қўллаб-қувватлаш ушбу ташкилотнинг устувор вазифаси ҳисобланади.

Бугунги кунда ассоциациянинг олти минг нафардан ортиқ аъзоси бў-



либ, барчаси турли давлатларнинг аёл судьяларидан иборат.

Халқаро аёл судьялар ассоциацияси одам савдоси, хотин-қизларга нисбатан зўравонликка қарши курашиш, бу борада қонунийликни таъминлашда аёл судьялар ўрни каби қатор лойиҳаларни фаол амалга ошириб келмоқда.

Мароккашда ўтаётган кон-

ференцияда инновация, аёлларда лидерлик, қатъият кўникмаларини шакллантиришнинг ўзига хос жиҳатлари мавзуларида ўзаро фикр ва тажриба алмашмоқда.

Маълумот учун: Нодира Бобохонова, Малика Қаландарова Ўзбекистон Судьялар олий кенгаши судьялари, Нодира Ҳақимова эса Олий суд судьяси ҳисобланади.

Мамлакатимизда давлат органларида низоларни судгача қўриб чиқишнинг ягона тизимини яратиш, медиация, ҳакамлик судлари, халқаро арбитражларни фуқаролар ҳамда тадбиркорларнинг ишончига сазовор бўладиган низоларни ҳал этувчи самарали муқобил институтларга айлантириш долзарб вазифа ҳисобланади.

Шу муносабат билан амалдаги Фуқаролик процессуал ва Иқтисодий процессуал кодексларга медиатив ке-

● Ҳуқуқий маърифат

Келишув институти маъмурий суд ишларини юритишда муҳим аҳамиятга эга

лишув институти киритилиб, ишларни шу асосда ҳал қилиш тартиби жорий этилди.

Бундан ташқари жисмоний ва юридик шахсларнинг ҳуқуқ ҳамда қонуний манфаатларини ҳимоя қилиш тизимини такомиллаштириш, низоларни ҳал

қилишнинг муқобил имкониятларини кенгайтириш, шунингдек, судларда иш ҳажмини мақбуллаштиришда медиация институти, ҳакамлик судлари ва халқаро арбитражларнинг ролин тубдан ошириш мақсадида Президентимизнинг 2020 йил 17 июндаги “Ни-

золарни муқобил ҳал этишнинг механизмларини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги қарори қабул қилинди.

Суд-ҳуқуқ тизимида амалга оширилаётган кенг кўламли ислохотлар жараёнида фуқаролар ва юридик шахсларнинг ҳуқуқ ҳамда қонуний манфаатларини ҳимоя қилиш мақсадида маъмурий судларда ҳам янги келишув институти амалиётга тадбиқ этилди. Маъмурий суд ишларини юритиш тўғрисидаги кодекс “Келишув битими” деб номланувчи 15¹-боб билан тўлдирилди.

(Давоми 2-бетда) ▶

Қонун кўмаги



Инсон ва тадбиркорлар манфаатларини таъминлаш ва уларнинг мурожаатларини қонуний муддатда, тўлиқ ва сифатли қўриб чиқиш ҳар бир давлат хизматчиси ва ташкилот ходимининг қатъий вазифаси эканини англаши юртимиз тараққиёти, халқимиз фаровонлиги ва иқтисодиётимиз ривожланишидаги муҳим омилдир.

(Давоми 2-бетда) ▶

Парламент фаолияти

Қонунчиликдаги янгиликлар

◀(Бошланиши 1-бетда)

“Адвокатура тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикаси Қонунининг 31-моддасига ўзгартириш киритиш ҳақида”ги қонун лойиҳасида адвокатлик лицензиясини олишга имтиҳон топшириш учун талабгор шахснинг юридик мутахассислик бўйича камиди икки йиллик иш стажига эга бўлиши тўғрисидаги талабнинг бекор қилиниши назарда тутилган. Бу янги қоида ҳуқуқшунослар орасида адвокатура соҳасига бўлган қизиқишнинг ошиши ва соҳада кадрлар алмашинуви жараёнлари сифат жиҳатидан янги босқичга кўтарилишига хизмат қилади.



ИЖАРА ВА ЛИЗИНГ МУНОСАБАТЛАРИДАГИ ҚОНУНБУЗИЛИШ ҲОЛАТЛАРИНИНГ ОЛДИ ОЛИНАДИ

Таҳлиллар жисмоний ва юридик шахслар ўртасидаги ижара ва лизинг муносабатларида қонунбузилиши ҳолатлари тобора ортиб бораётгани, қонунчилик ҳужжатларига ушбу ҳолатларнинг олдини олиш бўйича таъсирчан чора-тадбирларни назарда тутувчи ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш заруратини кўрсатмоқда.

“Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ҳужжатларига ижара ва лизинг муносабатларини тартибга солишга қаратилган ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида”ги қонун

лоийҳасида кейинчалик со-тиб олиш шarti билан ижарага бериш шартномасининг аниқ таърифи ва унинг хусусиятлари, ушбу шартномавий муносабатларда шартнома объектини тасарруф этиш, гаровга қўйиш ва ундирувга қаратишга доир қоидалар назарда тутилмоқда.

Ушбу ўзгартиш ва қўшимчалар ижара ва лизинг муносабатларидаги қонунбузилиши ҳолатларининг олдини олиш, шунингдек, ушбу соҳада жисмоний ва юридик шахсларнинг мулкий ҳуқуқлари кафолатини таъминлашга хизмат қилади.



ТЕГИШЛИ АСОСЛРСИЗ ЖАРИМА ТАЙИНЛАШГА ЙЎЛ ҚЎЙИЛМАЙДИ

“Ижро ҳужжатларини ижро этмаганлик учун солинадиган маъмурий жарима миқдорини белгилаш тартиби такомиллаштирилиши муносабати билан Ўзбекистон Республикасининг Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодексига ўзгартиришлар ва қўшимча киритиш ҳақида”ги қонун лойиҳасида Мажбурий ижро бюроси томонидан қўлланиладиган маъмурий жариманинг миқдори ижро ҳужжатида ундирилиши белгиланган суммадан юқори бўлиши мумкин эмаслиги, Мажбурий ижро бюроси номидан маъмурий жазо қўллашга ваколатли бўлган мансабдор шахслар доираси аниқ белгиланмоқда.

Янги қонун лойиҳасидаги қоидалар келгусида фуқароларнинг ҳуқуқлари, эркинликлари ва қонуний манфаатлари ишончли ҳимоя қилинишини таъминлаш баробарида жарималарни тўлашда фуқароларга енгилликлар яратиб, Мажбурий ижро бюроси тизимида назоратни кучайтиради ва турли суиистеъмоликликларнинг олдини олади.



БОЖ МИҚДОРИ ҚАРИЙБ БЕШ ЯРИМ БАРАВАРГА КАМАЙТИРИЛМОҚДА

Ҳозирги пайтда юртимизда 5 та уяли алоқа оператори ҳамда 1 та уяли алоқа хизматларини кўрсатувчи уяли алоқа виртуал оператори (провайдер) фаолият кўрсатиб келмоқда. Эътиборли жиҳати шундаки, ушбу тадбиркорлик субъектларининг хизмат кўлами бир-бирдан тубдан фарқ қилса-да, ҳам уяли алоқа операторлари, ҳам уяли алоқа виртуал оператори (провайдер) бир хилда лицензия божини тўлаб келмоқда.

“Давлат божи тўғрисида”-ги Ўзбекистон Республикаси Қонунига кўча радиотелефон (уяли) алоқа тармоқлари фаолияти билан шуғулланганлик учун давлат божи ставкалари миқдорларини мақбуллаштиришга қаратилган ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш ҳақида”ги қонун лойиҳасида ўзининг муносақил

алоқа тармоғига эга бўлмаган ва алоқа тармоқлари мавжуд уяли алоқа операторларининг тармоқлари орқали радиотелефон (уяли) алоқа хизматларини кўрсатувчи уяли алоқа виртуал операторлари (провайдерлар) учун лицензия беришга алоҳида давлат божи ставкалари миқдори белгиланмоқда. Энг муҳими, бож миқдори қарийб беш ярим бараварга камайтирилмоқда.

Ушбу қонун лойиҳаси уяли алоқа виртуал оператори сифатида алоқа хизматларини кўрсатувчи тадбиркорлик субъектларини қўллаб-қувватлаш ҳамда истеъмоликларга замонавий уяли алоқа хизматларини тақдим этиш имкониятларини кенгайтириш, ушбу йўналишда инвестиция муҳитининг яхшилаш ва рақобатни кучайтириш имконини яратади.

ПАРЛАМЕНТ АХБОРОТ МАРКАЗИ

◀(Бошланиши 1-бетда)

Эндиликда тарафлар маъмурий суд ишларини юритишнинг барча босқичлари ва суд ҳужжатини ижро этиш жараёнида низоли келишув битимини тузган ҳолда тўлиқ ҳажмда ёки қисман ҳал этиши мумкин. Тарафларнинг келишуви ихтиёрийлик, ҳамкорлик ва тенг ҳуқуқлилик тамойиллари асосида амалга оширилади.

Айтиш керакки, маъмурий суд ишларини юритишдаги келишув битими фуқаролик ҳамда процессуал кодексларда назарда тутилган келишув битимидан фарқ қилади. Хусусан, Фуқаролик процессуал ҳамда Иқтисодий процессуал кодекслари талаби бўйича судда кўрилаётган ҳар қандай низо юзасидан келишув битими тузилиши мумкин бўлса, Маъмурий суд ишларини юритиш тўғрисидаги кодексда ушбу кодекс 27-моддаси биринчи қисмининг 1, 3, 4 ва 5-бандларида назарда тутилган ишлар бўйича келишув битимини тузишга йўл қўйилмаслиги кўрсатиб ўтилган.

Демак, қонун талаби бўйича маъмурий судларда:

- идоровий меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатлар юзасидан низолашиш тўғрисидаги;
- сайлов комиссияларининг хатти-ҳаракатлари (қарорлари) юзасидан низолашиш тўғрисидаги;
- нотариал ҳаракатни амалга оши-



◀(Бошланиши 1-бетда)

Аммо суд амалиётида кўри-лаётган ишлардан маълум бўлмоқдаки, айрим ҳолларда мурожаатларнинг тўлиқ ва масъулият билан кўриб чиқилмаслиги фуқаро ҳамда тадбиркорларнинг идорама-идора овора бўлишига сабаб бўлмоқда.

Хусусан, Мажбурий ижро бюроси Зарафшон шаҳар бўлими томонидан 2020 йил 11 апрелда 9423732-рақамли электрон инкассо топшириқ-номаси асосида «Zar-namuna boshqaruv kompaniya» масъу-лияти чекланган жамияти ҳи-соб рақамидан 12.146.813 сўм маблағ ечиб олинган. Шундан 12.098.270 сўм «O'ztransgaz» акциядорлик жамиятининг ҳи-

соб рақамига, 48.543 сўм эса, банк хизмати учун йўналтирилган.

Қизиқ томони шундаки, «Zar-namuna boshqaruv kompaniya» масъулияти чекланган жамияти табиий газ истеъмоличиси эмаслиги, газ қувурига уланмагани, газ идораси билан шартнома имзоламаганига қарамай унинг ҳисоб рақамидан 12.146.813 сўмлик маблағ ноқонуний ечиб олинган. Бу маблағни қайтариш юзасидан масъулияти чекланган жамияти мутасаддиларининг «Hududgazta'minot» акциядорлик жамияти, унинг ҳудудий филиали ҳамда «O'ztransgaz» акциядорлик жамиятига йўллаган бир неча мурожаати эъ-тиборсиз қолдирилган. Бунинг

• Ҳуқуқий маърифат

Келишув институти маъмурий суд ишларини юритишда муҳим аҳамиятга эга



риш, фуқаролик ҳолати далолатно-маларини ёзишни рўйхатга олиш рад этилгани ёки нотариус ёхуд фуқаролик ҳолати далолатномаларини ёзиш органи мансабдор шахсининг ҳаракатлари (ҳаракатсизлиги) юзасидан низолашиш тўғрисидаги;

- давлат рўйхатидан ўтказишни рад этиш ёхуд белгиланган муддатда давлат рўйхатидан ўтказишдан бўйин товлash устидан шикоят қилиш тўғрисидаги ишлар бўйича келишув битимини тузишга йўл қўйилмайди.

Ҳар уч кодексдаги келишув битими тузиш мумкин бўлмайдиган ҳолатларнинг ўхшашлиги шундаки, ке-

лишув битимининг шартлари учинчи шахсларнинг ҳуқуқ ва қонуний манфаатларига дахлдор бўлса, уни тузилишига йўл қўйилмайди.

Келишув битими тасдиқлашни рад қилиш асослари Маъмурий суд ишларини юритиш тўғрисидаги кодексда 5 та, Фуқаролик процессуал кодексда 2 та, Иқтисодий процессуал кодексда 3 та экани кўрсатилган.

Фуқаролик процессуал ҳамда Иқтисодий процессуал кодекслари талаблари бўйича ишда иштирок этаётган жавобгар вакили келишуви битимини тасдиқлаши мумкин бўлса-да, маъмурий суд ишларини юри-

тишда келишув битимини вакил орқали тасдиқлашга йўл қўйилмайди.

Маъмурий суд ишларини юритиш тўғрисидаги кодекс талаби бўйича тарафларнинг келишувига фақат жавобгарда маъмурий ихтиёрийлик мавжуд бўлганда йўл қўйилади.

Қонун талабига кўра, маъмурий ихтиёрийлик деганда, маъмурий органнинг қонунчилик доирасида йўл қўйилган чоралардан бирини қонунийликка ва мақсадга мувофиқликка ўзи баҳо бериши асосида ўз ихтиёрига кўра, қўллаш ёки тегишли чорани қўллашдан воз кечиш ҳуқуқи тушунилади.

Шу сабабли Фуқаролик процесуал ҳамда Иқтисодий процессуал кодексларидан фарқли равишда, жавобгарда маъмурий ихтиёрийлик мавжуд бўлмаслиги Маъмурий суд ишларини юритиш тўғрисидаги кодекс талаби бўйича келишув битими тасдиқлашни рад этиш учун асос бўлади. Шу билан бирга, ҳар уччала кодекс талаби бўйича прокурор келишув битимини тузиш ваколатига эга эмас.

Хулоса ўрнида айтганда, маъмурий суд ишларини юритишда келишув институтини қўллаш муҳим аҳамиятга эга бўлиб, у низолашни музокаралар йўли билан ҳал қилишга ёрдам беради.

Акмал МУРОДОВ,
Навоий вилояти
маъмурий суди раиси

Қонун кўмаги

Сансалорлик

ёхуд тадбиркорнинг маблағи аслида кимда бўлган?

оқибатида тадбиркор турли идораларга мурожаат йўллаб, овора бўлган.

Охир-оқибатда эса, «Zar-namuna boshqaruv kompaniya» масъулияти чекланган жамияти аниқланмаган маблағ сифатида сақлаб келинган.

Энг қизиғи, ишни кўриш жараёнида судга тақдим қилинган 2022 йил 27 декабрдаги 33-01-28-976-сонли маълумотнома ҳам 12.098.270 сўмлик маблағнинг «Hududgazta'minot» акциядорлик жамияти ёки унинг ҳудудий филиалида мавжуд эмаслиги маълум қилингани ҳам ушбу ҳолатларга масъуллар томонидан эътиборсизлик билан масъулиятсизлик билан муносабатда бўлинганини кўрсатади.

Холбуки, “Тадбиркорлик фаолияти эркинлигининг кафолатлари тўғрисида”ги қонуннинг 23-моддаси биринчи қисмига кўра, тадбиркорлик фаолияти субъектларининг мулк дхлсизидир ва қонун билан муҳофазга қилинади.

ган. Ўз навбатида, «Hududgaz pavoiyu» газ таъминоти филиалининг ҳисоб рақамига эгаси аниқланмаган маблағ сифатида сақлаб келинган.

Энг қизиғи, ишни кўриш жараёнида судга тақдим қилинган 2022 йил 27 декабрдаги 33-01-28-976-сонли маълумотнома ҳам 12.098.270 сўмлик маблағнинг «Hududgazta'minot» акциядорлик жамияти ёки унинг ҳудудий филиалида мавжуд эмаслиги маълум қилингани ҳам ушбу ҳолатларга масъуллар томонидан эътиборсизлик билан муносабатда бўлинганини кўрсатади.

Холбуки, “Тадбиркорлик фаолияти эркинлигининг кафолатлари тўғрисида”ги қонуннинг 23-моддаси биринчи қисмига кўра, тадбиркорлик фаолияти субъектларининг мулк дхлсизидир ва қонун билан муҳофазга қилинади.

Юртимизда халқаро ҳамкорлик алоқаларининг кенг йўлга қўйилгани ташқи меҳнат миграцияси фаолияти ривожига туртки бўлди. Натижада фуқароларнинг хорижга чиқиб ишлаши учун ҳуқуқий ва ташкилий асослар яратилди.

Жумладан, Бандлик ва меҳнат муносабатлари вазирлиги тасарруфида Ташқи меҳнат миграцияси агентлиги фаолият кўрсатмоқда. Эътиборли жиҳати шундаки, ушбу агентлик орқали фуқароларни хорижда уюшган ҳолда ишга жойлаштиришдек самарали тизим йўлга қўйилди.

Агентлик мамлакатимиз ва Халқаро миграция ташкилоти ўртасидаги ҳамкорликни кенгайтириш бўйича 2021–2023 йилларга мўлжалланган чора-тадбирлар режасини ишлаб чиққан. Фуқароларни хорижда ишга жойлаштиришни тартибга солиш ҳамда уларнинг меҳнат ҳуқуқларини таъминлаш масалалари юзасидан хорижий давлатлар ваколатли органлари билан ҳамкорлик қилинаётгани туфайли чет элларда юрдошларимизнинг ҳуқуқ ва манфаатлари ҳимояси тўлиқ таъминланмоқда.

Аммо хорижий давлатга ишга боришнинг қонуний тартибларига риоя этмаслик турли хил дилхиралликлар, айниқса, содда ва ишонувчан одамларнинг фирибгар кимсалар тузоғига тушиб қолишига сабаб бўлмоқда. Куйдаги мисол шу ҳақда.

Самарқандлик Бекзод Рўзиқулов (исм-шарифлар ўзгартирилган) та-

ниши Олмосни Шоҳиста Садриева деган аёл 25 минг АҚШ доллари эвазига Америка Қўшма Штатида ишга юборётганини эшитиб, ҳаловатини йўқотди.

Ўғлининг хорижда ишлаб, у ердан мўмай даромад билан қайтишни мақсад қилганини эшитган онаси Гулрух Рўзиқулова ҳам хурсанд бўлди ва ундан бунинг учун нима қилиш зарурлигини сўради.

Аслида она бу гапи билан ўзи билмаган ҳолда ўғлининг кўнглидаги хорижда ишга бориш орузини баттар оловлантирди. Онанасинг розилигини олган Бекзод дарҳол таниши Олмосга кўнгирақ қилди.

— Яқинда Шоҳиста опанинг ўзи бизнига келиши керак, — деди Олмос, — ўшанда у билан учрашиб, ўзларингиз келишиб оласизлар.

Орадан кўп вақт ўтмай Олмос уларига Шоҳиста опа келаётганини айтди. “Керакли тошининг оғири йўқ” деган фикрни кўнглидан кечирган Г. Рўзиқулова 5 минг АҚШ долларини олиб, ўғли билан О.Мамановнинг уйига борди. Энг қизиғи, Олмоснинг уйда Ш.Садриева билан учрашиш мақсадида келганлар кўпчилик эди. Қисқаси, Ш.Садриева келгач,

хорижга ишлашга боришга талабгор бўлганлар дарҳол уни саволга тутишди: чет элга қандай тартибда борилади, бунинг учун қанақа ҳужжатлар керак, харажати қанча?

— Асли самарқандлик, ҳозирда Тошкент шаҳрида яшовчи бир танишим бор, — дея жавоб қилди уларга Ш.Садриева. — Уша одам киши бошига 25 минг АҚШ доллари эвазига Европа давлатларида бўлиш ҳуқуқини берувчи “Шинген” визаси тайёрлаб беради. Шу виза орқали АҚШ давлатига ҳеч бир тўсиқсиз етиб олиш мумкин. Танишим ҳозиргача бир неча кишини шу тарика Америка Қўшма Штатларига юборди...

Океанорти мамлакатни орзусида ўзига қизиқиш ҳамда умид илинжида тикилиб турган суҳбатдошларининг ишончини қозониш мақсадида Ш.Садриева қўл телефони орқали танишига кўнгирақ қилиб, АҚШга кетиш истагидаги одамлар билан гаплашиб ўтирганини маълум қилди.

— Шоҳиста Садриевага ишонаверинглар, — дея жавоб бўлди нариги тарафдан. — АҚШ давлатига жунатиш қўлимдан келади. Агар юборолмасак, пулларни қайтариб берамиз.

Жиноят ва жазо

ЧИППАККА

— Бу иш танишимнинг кўлидан келади, — деди Ш.Садриева ишонч билан. — Узининг ўғлини ҳам яқинда “Шинген” визаси билан Мексика давлати орқали АҚШга ишга юборди.

Шундан сўнг З.Маманова, Г. Ризоқулова ва М.Холжигитова ўғиллари Олмос, Бекзод, Мақсудбек учун ҳар бири 25 минг АҚШ долларидан беришга рози бўлишди.

— Биз оилавий кетадиган бўлсак, харажатимиз қанча бўлади? — деб сўради Н.Хайридиноова.

— Оиладан ёлғиз кетаётганлар ҳужжатларини тайёрлаш учун ҳозир 10 минг АҚШ доллари билан фуқаролик паспортини берса, кифоя, — дея жавоб берди Ш.Садриева. — Сиз фуқаролик паспорти билан болаларнинг туғилганлиги ҳақидаги гувоҳномага қўшиб, 15 минг АҚШ доллари беришингиз керак. Пулнинг қолган қисмини хорижга етиб боргач, берасиз.

Шунда Г. Ризоқулова 5 минг АҚШ долларини ҳаммининг кўз ўнгида Ш.Садриеванинг қўлига тутқазди. Эртаси куни эса, Бекзод қариндошлардан қарз олиб, яна беш минг долларни Ш.Садриеванинг уйига олиб бориб берди.

Тарих тилсимлари

НАПОЛЕОНГА БУЮРМАГАН ҚИЛИЧ
ёхуд Амир Темур даҳоси

Тарих саҳифаларида улғур саркарда сифатида ном қолдирган француз императори Наполеон ўзидан олдин ўтган барча буюк ҳақонгирларнинг тарихини жуда яхши билган. У доимо Цезар, Ганнибал, Александр Македонский, Буюк Карл, Тюрэн, Буюк Фридрихни кўп элаган ва улар ҳақида кўп гапирган. Бироқ Наполеон уларнинг ҳаммасидан ҳам кўпроқ Амир Темур шахсини юқори қўйиб, бу улғур тарихий шахс ҳаёти ва фаолиятига ўта қизиққан. Шу боис Наполеон ҳарбий юришларида доимо Амир Темурга тегишли бирон-бир буюм ва жиҳозлар қолган-қолмаганини суриштирган экан.

Шу ўринда айтиб ўтиш жоизки, кўпчилик халқлар қатори европаликлар ҳам азал-азалдан қилич, ханжар, пичоқларга илоҳий қурол сифатида қараб, уларнинг сөҳри кучга эгалигига ишонишган. Хусусан, француз, инглиз, немис ва скандинавия халқлари қиличчи муқаддас билиб, уни ўз эгасини ёвуз руҳлардан асраш воситаси сифатида кўришган. Европа халқларининг эпосларида қаҳрамонлар билан бирга уларнинг қиличлари ҳам улуғланган. Масалан, олийжаноб рицар Роландда "Дюрандал", кирол Артурда "Эккалибур", Буюк Карлда "Жуайоз" каби афсонавий қиличлар мавжуд бўлган. Албатта, Наполеон ҳам бу борада жуда яхши маълумотларга эга эди. Шунинг учун у доимо истило этилган жойлардан қадимий қиличларни қўлга киритишни хоҳла-

ган. У Амир Темурнинг йирик олмос қадалган афсонавий қиличини қўлга киритса, енгилмас саркардага айла-нишига қатъий ишонган. 1807 йил Наполеон форслар мамлакатига бригада генерали Клод Матье де Гардан бошчилигидаги жуда катта делегацияни элчиликка юборди. Элчилар форслар шоҳи билан дипломатик-ҳарбий битимлар билан бирга афсонавий Амир Темур қиличи ҳақида ҳам битим тузади. Форслар Франция билан иттифоқ ниҳоятда зарурлиги учун Наполеоннинг илтимосини бажаришга қарор қилади. 1808 йил 24 январь куни Франциянинг "Журнал Империя" газетаси муҳбири қувонч билан форслар шоҳининг элчиси тез орада императорга жуда кўп қимматбахо совғалар билан бир қаторда бутун дунёнинг нигоҳида бўл-

ган Амир Темурнинг қиличини олиб кетаётгани ҳақида ёзади. Дарҳақиқат, бир неча ойлар ўтиб форслар элчиси Аскар хон Афшар Урамайх Парижга жуда қимматбахо совға-саломлар билан етиб боради. Наполеон форслар элчисини 1808 йил 4 сентябрь куни Париж яқинидаги Сен-Клу қасрида қабул қилади. Элчи Наполеонга иккита афсонавий қилич-ни тақдим этади. Уларнинг бири буюк Амир Темур, иккинчиси Эрон шоҳи Нодиршоҳга тегишлилиги маълум қилинади. Наполеон қиличларни қувонч билан қабул қилиб олади. Бироқ бироз вақтдан кейин текширувлар натижасида қиличларнинг қалбаки экани аниқланади. Шу тариқа Амир Темур қиличи Наполеон учун армон бўлиб қолади. Айтишларича, агар қилич ҳақиқий бўлиб чиққанида Наполеон Парижда Амир Темурга ҳайкал барпо этиш ва унинг қўлидан қиличчи қабул қилиб олаётган ўзини ҳам тасвирлатиш ниятида бўлган экан. Аммо бу орзуси амалга ошмаган Наполеон кейинчалик Муқаддас Елена оролида сургунда бўлган чоғида ёзилган ўз эсдаликларида ўшанда форслар ўзини лақиллатганини тан олган. Аслида форсларда ростдан ҳам, Амир Темурнинг қиличи бўлмаган кўринади. Чунки Наполеонга юбо-



рилган қалбаки қиличлар Доғистоннинг Амузгин деган қиличсозлар қишлоғида ясалгани маълум бўлган. Доғистонлик машҳур шоир Расул Ҳамзатовнинг қандай қилиб форслар Амузгин қиличларини Наполеонга тортиқ қилишгани ҳақида шейр ёзгани ҳам бунинг исботидир. Хўш, Амир Темурнинг қиличи ўзи ростдан ҳам, сақланиб қолганми? Афсуски, бу саволга ҳозирча аниқ жавоб йўқ. Аммо россиялик тарихчилар гўёки 1827 йилда Ирево қалъасини забт этган генерал Паскевич Амир Темурнинг ҳақиқий қиличини қандайдир бекдан тортиб олган ва император Николай I га юборган, деган тахминни илгари суришган. Муқаддас қилич Гатчина саройида сақлаган эмиш. Лекин қиличнинг кейинги тақдири номаълум. Аммо бир нарса аниқ: жаҳон тарихида буюк из қолдирган Соҳибқирон Амир Темурга бўлган эътибор келгусида ҳам кучайса-кучаядики, асло сусаймайди! Зеро, улғур ватандошимиз сиймоси мангуликка дахлдордир. Хулқар ҲАЙИТОВА, Қарши шаҳридаги 23-мактаб директори ўринбосари



Қизиқарли фактлар

Инсоният азал-азалдан барҳаётлик сирини кашф этишига интилиб келган. Бу борада қўлаб изланишларни амалга оширган. Александр Горбовский ва Юлиан Семёнов қаламига мансуб "Мангулик қопқасин қоқиб кўрганлар" номи асарда ана шу ҳақидаги ғаройиб маълумотлар жамланган. Қўйида ушбу китобдан олинган баъзи қизиқарли воқеаларни эътиборингизга ҳавола этамиз.

МАНГУЛИК СИРИ



Дажла ва Фрот дарёлари-нинг буйида яшаган қадимги Шумер аҳолиси умрбоқий яшаш сирини топишга ҳаракат қилганларнинг дастлабки киси бўлса, ажаб эмас. Чунки улар яратган дунёдаги илк дostonнинг қаҳрамони Гилгамеш яшартириб, умрини узайтирадиган чечакни излаб топиш учун денгизлар оша хатарли сафарга отланади. Ушандан буюн орадан минглаб йиллар ўтди, яхшилик ва ёмонлик ҳақидаги тасаввурлар ҳам ўзгариб кетди. Бироқ бу умидбахш орзу — мангу яшаш истаги, унинг йўлини топиш иштиёқи ҳеч вақт армонга айланмади. Барча замонларда ҳарҳолда, ушбу йўлни изловчилар топилиб турган. Аммо Гилгамеш изидан юришга таввақал қилиб йўлга тушган, манзилга етолмай адашган ва нобуд бўлган кимсаларнинг сони қанчалигини ҳеч ким билмайди. Қадимги Ҳиндистоннинг "Моҳабхорат" достонида ҳам бир дарахтнинг киши умрини 10 000 йилга узайтирадиган сири ҳақида сўз юритилади. Қадимги юнон тарихчилари Мегасфен ва Страбонлар ҳам бу ҳақда эслатади. II-III асрларда яшаган румлик Элиан қандайдир бир дарахтнинг меваси ёшартириш фазилати-га эгалиги борасида ҳикоя қилади. Мозийнинг бошқа матнлари ҳам "мангулик суви" — "оби ҳаёт" ҳақида ишонч билан сўзлайди. "Мангулик суви" тушунчаси аътана тарзда африкалик элалар, америкалик қавмлар, славянларда мавжуд бўлган. Рус дostonларида эса, "мангулик суви" булоғи уммонлар ўртасида экани айтилади. Хитойга кўшни бўлган қавмлар мангулик суви чашмасини Хитойда деб кўрсатса, хитойликлар айнан мана шу мантиқ асосида бошқа жойларга, имкон қадар ўз мамлакатидан йироқ ўлкаларга ушбу оби ҳаётни излаб йўлга тушган. Қадимги Хитойда кўплар "мангулик хапдориси" сирларини даос монахлари қаттиқ яшириб юради, деган сўзларга ишонар эди. Бу дори киши умрини чексизликка қадар узайтириш қудратига эга, деб ҳисобланарди. Бу ҳақда ишонч билан ёзилган матнлар ҳозирга қадар сақланган. Бироқ уларнинг бирортасида ҳам "хапдори"

Бошланиши 3-бетда

Ҳа, дарвоқе, у 2020 йил апрель ойида айланма маблағ учун кредит олиш режасини тумандаги томорқа хизматини ривожлантиришга масъул бўлган ташкилот раҳбари Шариф Раҳимов (исм-шарифлар ўзгартирилган)га айтганди. Аммо Ш.Раҳимов унга яқка тартибдаги тадбиркор сифатида кредит олишни маслаҳат берганди. Шунга кўра, М.Алиев туман давлат хизматлари марказидан рўйхатдан ўтганди. Сўнг Ш.Раҳимов кредит масаласини ўзи ҳал қилиб беришини айтиб, унинг муҳрини олиб кетганди. Аммо орадан бир неча ой ўтса-да, кредитдан дарак бўлмаган, Ш.Раҳимов турли хил ваз-қарсонларни рўқач қилганди. Энди эса... Хуллас, М.Алиев "Агробанк"нинг Учкўприк тумани филиалига келган, ҳаммаси равшан бўлди. Ҳақиқатан ҳам, 2020 йил апрель ойида банк филиали томонидан унинг номига 55 миллион сўм кредит маблағи ажратилган ва бу маблағни Шарифжон Раҳимов олган экан. М.Алиев Ш.Раҳимовдан бу ҳақида сўраганида, у кредит маблағини ўзи олганига иқдор бўлди. Аниқроғи, ўшанда у маблағни шахсий эҳтиёжлари-га сарфлаб, ўзлаштириб юборган, аммо кредит учун ҳисобланган фоизларни ҳам, асосий қарзни ҳам тўлашни ҳаёлига келтирмаган. Бугини сўрасангиз, нафс измига кирган Ш.Раҳимов фақат Музаффар Алиев номига кредит олиш билан чекланмаган. Аксинча, у ҳамтовоқлари — "Агробанк"нинг Учкўприк тумани филиали оилавий тадбиркорликни кредитлаш бўлими менежери Элмурод Насимов, банк филиалининг "Нурафшон" банк хизматлари маркази менежери Аскар Йўлчиев билан бирга ўзаро тўл бириктириб, Дилафрўз Низомова номига

Жиноятга жазо муқаррар



КРЕДИТ "ОПЕРАЦИЯ"СИ охир-оқибат фoш этилди ҳам кредит расмийлаштириш ва ўзаро талон-торож қилишади. Яъни улар расмий ҳужжатларга сохта маълумот ва ёзувлар киритиб, Д.Низомованинг имзосини қалбакилаштиришади. Сўнг ушбу сохта ҳужжатларни банкка тақдим этишади. Қарабсизки, 2019 йил 16 майда насли қўйчиликни ривожлантириш мақсадида 3 йил муддатга, йиллик 8 фоиз устама тўлаш шарти билан 23.000.000 сўм миқдорда имтиёзли кредит ажратилишига эришилади. Мазкур маблағни сохта олди-сотди шартномасига асосан тумандаги "Охунбобоев томорқа хизмати" масъулияти чекланган жамиятининг ҳисоб-рақамига ўтказиб, нақдлаштирган ҳолда талон-торож қилишади. Бундан ташқари Аскар Йўлчиев 2021 йил апрель ойида қариндоши — ўзи ташкил этган "Учкўприк таъминотчи" МЧЖнинг расмий раҳбари (аслида жамиятнинг расмий равишда ўзи бошқарган) Алишер Солиев номига ҳам имтиёзли кредит расмий-

доирасида жами 256.500.000 сўм миқдорда имтиёзли кредит маблағини расмийлаштириб, талон-торож қилишгани фoш этилади. Шунингдек, ҳамтовоқлар номига кредит маблағи расмийлаштирилган фуқароларга тикув машиналари етказиб берилгани ҳақида сохта ҳужжатларни ҳам расмийлаштиришгани аниқланди. Учкўприк туман ИИБ эксперт-криминалистика гуруҳининг 2022 йил 30 майдаги 39 ва 40-сонли эксперт ҳулосаларида номига кредит олинган фуқароларнинг имзолари қалбакилаштирилгани қайд этилган. Натижада мазкур ҳолатлар юзасидан жиноят иши қўзғатилди. Таъкидлаш жоизки, айтилган жиноят иши доирасида "Охунбобоев томорқа хизмати" масъулияти чекланган жамиятининг фаолияти ҳам ўрганилди. Буни қарангки, масъулияти чекланган жамият мансабдор шахслари қўшилган қиймат солиғи бўйича асосий равишда имтиёз кўллаб, жами 104.820.900 сўмлик солиқни тўлашдан қасддан бўйин товлагани, махсулотлар сотувидан тушган 490.950.000 сўм нақд пул-ни назорат-касса машинаси-га кириш қилмай, банкка ҳам топширмагани маълум бўлди. Яқинда кредит билан боғлиқ жиноятларни содир этганларнинг қилмиши жиноят ишлари бўйича Учкўприк тумани судида кўриб чиқилиб, судланувчиларга қонуний жазо тайинланди. Хулоса ўрнида айтганда, ҳаётда биронинг ҳақи ўзга-га ҳеч қачон буюрмаган. Бу ҳаёт ҳақиқати яна ўз исботини топди. Зеро, қинғирлик йўлини танлаганлар ҳамини адашади. Абдоржон ОМОНОВ, жиноят ишлари бўйича Учкўприк тумани суди раиси

Куч — адолатда

МУАССИС: Ўзбекистон Республикаси Олий суди

Бош муҳаррир: Шодиқул ҲАМРОЕВ

Газета 2007 йил 23 февралда Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлигида 0224-рақам билан рўйхатдан ўтган.

ТАҲРИР ҲАЙЪАТИ:

Бахтиёр ИСЛАМОВ Холмўмин ЁДГОРОВ Робахон МАХМУДОВА Зарифжон МИРЗАҚУЛОВ Халилullo ТУРАХУЖАЕВ Замира ЭСОНОВА Икрам МУСЛИМОВ Азиз АБИДОВ Шухрат ПОЛВАНОВ Бобомурод РАЙИМОВ

Газета «Шарқ» нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмаҳонасида офсет усулида босилди. Босмаҳона манзили: Тошкент шаҳри, Буюк Турон кўчаси, 41-йў. Манзиллими: 100097, Тошкент шаҳри, Чилонзор тумани, Чўпонота кўчаси, 6-уй, Тел.: 71 273-72-29 E-mail: kuch-adolatda@mail.ru Нашр индекси: яқка тартибда - 574, ташкилотлар учун - 575. Буюртма: G-155 Қоғоз бичими: А-2. Ҳажми: 2 босма табоқ. Сотувда эркин нарҳда. Адади: 6940 1 2 3 4 5 6 Топшириш вақти: 21⁰⁰. Топширилди: 00⁰⁰.